



Ушбу мисолда барча рукнлар "فعلن" (фаълун) кўринишида.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мутадорик баҳри арузга доир асарларда турли хил номланган. Баъзи асарларда Халил ибн Аҳ-

мад сингари бу баҳрни баҳрлар каторига кўшишмаган. Лекин ҳозирги араб аруз-шунослигида аруз баҳрлари сони мутадорик баҳри билан ўн олтига деб юритилмоқда.



СУРИЯ АДАБИЁТИДА ВАЛИД ИХЛОСИЙНИНГ ЎРНИ

ДЖАЛИЛОВА ГЎЗАЛ

Ўқитувчи, ТошДШИ

Аннотация. Ушбу мақола Валид Ихлосийнинг Сурия адабиётида тутган ўрнига бағишланган бўлиб, унда Валид Ихлосийнинг адабий фаолияти ва ижодининг шаклланиш омиллари ҳақида сўз боради.

Таянч сўз ва иборалар: реализм, модернизм, экзистенциализм, услуб, жанр, ҳикоя, роман, Будда, рамз, символизм.

Аннотация. Эта статья посвящена роли Валида Ихласи в литературе Сирии. В ней говорится о литературной деятельности Валида Ихласи и факторах, повлиявших на развитие его творчества.

Опорные слова и выражения: реализм, модернизм, экзистенциализм, стиль, жанр, рассказ, роман, Будда, символ, символизм.

Abstract: This article is devoted to the role of Walid Ikhlasi in the literature of Syria, which refers to the literary works of Walid Ikhlasi and the factors developed his creative work.

Keywords and expressions: realism, modernism, existentialism, style, genre, story, novel, Buddha, symbol, symbolism.

XX асрнинг 1960 йилларида Миср, Сурия ва бошқа баъзи араб мамлакатларида кескин сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқ адабий-маданий ҳаётдаги ўзгаришлар юзага келди. Шарқ адабиёти ривожига янги оғиш ва эстетик дунёқараш алоҳида аҳамиятга эгадир. Янги даврда турли хил маданиятлар ва қадриятлар орасидаги ўзаро алмашув авж олди, яъни Ғарб адабиёти Шарқ адабиётига ва аксинча, Шарқнинг Ғарб адабиётига бўлган таъсири кучайди.

Сурияда 1960 йилларда бир гуруҳ ёзувчилар майдонга чиқдиларки, уларнинг ижодида онгли равишда реализмга қарши исён сезила бошлади. Бу йилларда кузатилган реализмдан чекиниш ўзининг сиёсий сабаблари, ижтимоий илдизлари, маданий омил-

ларига ҳам эга эди. Мамлакатдаги мураккаб сиёсий ҳолат, турли мафкуралар орасидаги кураш, асрлар оша давом этиб келаётган исломий ва феодализм анъаналари, Исроил билан бўлган урушдаги мағлубият алами, мамлакат ҳудудининг бир қисми босиб олинishi – буларнинг барчаси мамлакатда реалистик адабиётнинг ривожланиши учун ноқулай шароитни вужудга келтирди¹.

Сурия адабиётини механик тарзда реалистик ва модернистикка ажратиш қийин. Аксар ҳолларда ёзувчилар ижодида ҳам реалистик, ҳам модернистик тамойиллар ёнма-

¹ Акбарова М. Ҳ. Янги давр араб адабиёти. – Т., 2009. 115–116-бетлар.

ён мавжуд бўлиб, ўзаро тўкнашади ва курашади. Ёзувчилар ижодида ҳаётнинг мураккаб, зиддиятли масалалари ҳар хил индидуал услуб ва жанрлар орқали ўз ифодасини топади. XX аср иккинчи ярмида Сурияда ижод қилган Жўрж Салим, Закария Тамер, Валид Ихлосий, Гада ас-Самман, Мустафо ал-Ҳаллож, Ҳаний ар-Раҳиб каби ёзувчилар Ғарб модернизми вакиллари сингари ўз асарларида кўпроқ инсоннинг ички моҳиятини, экзистенциализм фалсафаси муаммоларини талқин этгани ҳолда неореалистик тарзда акс эттирдилар. Ушбу ижодкорлар тўлақонли модернизмда эмас, балки модернизм билан реализмни уйғунлаштирган ҳолда ижод қилганлар. Гарчи суриялик ёзувчилар Ғарбнинг модернизм оқими вакиллари ижодидан таъсирланган бўлсалар-да, ўз асарларида миллийлик, диний дунёқараш, шарқона қадриятлар ва адабий меросга содиқликни сақлаб қолганлар. Миллий адабиётдаги бу каби ўзига хослик хусусиятларнинг мослашиш жараёни бўлиб, “модернизм”, “экзистенциализм” ва бошқа замонавий ижодий йўналиш ҳамда оқимлар Шарқ адабиётида, Сурия адабиётида ўзига хос шаклда намоён бўлган¹.

Араб оламидаги ёзувчилар орасида Валид Ихлосий муҳим аҳамият касб этади. У ўзининг асарлари билан нафақат араб оламида, балки бошқа мамлакатларда ҳам маълум ва машхур, ўз ўрнига эга бўлган адибдир.

Валид Ихлосий 1935 йили Искандария шаҳрида таваллуд топди. Унинг отаси XX асрнинг 1920–1930 йилларидаги Озодлик ҳаракати ташкилотининг раҳнамоси бўлган. В. Ихлосийнинг ижодий йўлида ота-онасининг таъсири каттадир. Бошланғич таълимни Халаб мактабида, сўнгра Мисрдаги Александрия университети қошидаги коллежда қишлоқ хўжалиги бўйича диплом олиш учун бакалаврликда таълим олди (1958). Ўзининг иш фаолиятини Халаб иқтисод Департаментида бошлади ва Халаб университетининг қишлоқ хўжалиги факультетида ўқитувчи бўлиб ишлади. У Су-

рия парламенти аъзоси бўлган. (1999–2002)². Валид Ихлосий қайси соҳада фаолият кўрсатишидан қатъи назар, ўзининг ишига масъулиятли, ўзгача меҳр билан ёндашади. У Миллий театр деб ном олган Халаб халқ театри ва киноклубининг яратилишига катта ҳисса қўшди. Шунингдек, у Халабдаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши инженерлар бирлашмасининг президенти эди. 1970 йилга келиб Араб Ёзувчилар уюшмасининг бошлиғи этиб сайланди, 1996 йилда уюшмани тарк этди. У “Адабий муҳит”, “Театр ҳаёти”, “Билим” журналларининг иштирокчисидир. Унинг дастлабки ижодий иши 1951 йили “тарих” варақаларида чоп этилди. У қисқа ҳикоялар, роман, ва драмалар ёзиш билан бир қаторда илмий изланишларни ва журналистик фаолиятни ҳам олиб борган. “Мен адабиёт ва университетлардаги илмий изланишлар ҳақида қалам тебратдим ва улардан бири 1983 йили Нью-Йорк университетида тақдим этилган диссертациям эди”, – дейди Валид Ихлосий. Унинг адабий намуналари кўплаб тилларга, хусусан, инглиз, француз, немис, итальян, голланд, арман, рус, югослав ва поляк тилларига таржима қилинган. У адабиёт ва маданият ҳақида кўплаб маърузалар ўқир ва бир қатор семинар, конференция ва фестиваллар иштирокчиси эди. У кўплаб асарларини халаб халқининг ҳаёти билан боғлиқ равишда олиб борди³. Валид Ихлосийнинг кўплаб ҳикоялари халаб халқининг француз босқинчиларига қарши кураши, шунингдек, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий жабҳаларда бутун араб халқи учун муаммо бўлган Фаластин муаммосига қаратилган. Машхур адабий танқидчи Умар Даккок Валид Ихлосийнинг “Қисқа саёҳатлар вақти” номли тўплами хусусида шундай деган эди: “Бу тўплам Фаластин муаммосига қаратилган тўпламлардан биридир. Ва унда Фаластин халқининг миллий-озодлик ҳаракати ёрқин намоён бўлган”.

¹ Мухиддинова Д. З. Жўрж Салим ҳикояларида бадий тафаккур эволюцияси. Дис. ...фил. фан. номзоди. – Т., 2008. 30–31-бетлар.

² Сурия ёзувчилар уюшмаси. Валид Ихлосий. – Дамашк, 1971. 14–15-бетлар.

³ Сурия адиблари. Валид Ихлосий. – Дамашк, 1967–1973. 149–150-бетлар.

Унинг қаламига мансуб асарлар қуйидагилар:

1. “Тарих” (Байрут, 1963);
2. “Тинчлик: олдин ва ҳозир” қиссаси (Дамашк, 1964);
3. “Қуруқ денгиз киши” романи (Байрут, 1965);
4. “Тўзонли тонгдаги қон” ҳикоялар тўплами (Байрут, 1968);
5. “Жозибали хонимнинг герби” романи (Дамашк, 1969);
6. “Қиска фурсатдаги миграциялар” ҳикоялар тўплами (Дамашк, 1970);
7. “Ифлослик” ҳикоялар тўплами (Байрут, 1971);
8. “Золанинг ўкинчи” романи (Байрут, 1975);
9. “Йўл” номли ёзувчилар уюшмаси ҳақидаги пьесаси (Дамашк, 1976);
10. “Қишлоқдаги демократик кеча” (Дамашк, 1979);
11. “Қора ўтлар” ҳикоялар тўплами (Дамашк, 1980);
12. “Қушларнинг ўлими учун” (Дамашк, 1981);
13. “Ҳой, ҳой... дарахтлар...” ҳикоялар тўплами (Ливия, 1981)

Валид ихлосийнинг аксарият ҳикояларидаги воқеалар эпик жойларда содир бўлади ва улардаги воқеалар жараёнида асар қаҳрамонларининг ички оламини очиб беришга ҳаракат қилинади. Унинг “Тўрт девор” номли ҳикоясида фалсафий қарашлари акс эттирилган. Бу ҳикояда у ўз шахсиятининг адабий зиндондан халос бўлмагани ва бўла олмаётгани ҳақида ҳикоя қилади. “Ғариблар замини” ҳикоясида ёзувчи воқеалари кўрқинчли туш, ҳақиқат ва ёлғон аралашган олам ичида содир бўлади. Воқеалар ривожини натижасида ёзувчи ҳақиқатни ёлғонга ва аянчли тушларни ҳақиқатга яқинлаштиради. “Уларнинг қандай тушлар кўришини биласанми?” ҳикоясининг сюжети инсонга, унинг жамиятдаги ўрни ва жамият ривожидagi саъй-ҳаракатлари ва инсоннинг ички олами, маънавияти акс эттирилган.

Унинг “Қора ўт-ўланлар”¹ ҳикояси янги йўналишда ёзилган бўлиб, ҳикоя ижтимоий-сиёсий мавзуларни қамраб олган. Асарда ёзувчи ҳикоячи образида гавдаланади. Ёзувчининг ушбу ҳикояда маҳорати шундан иборатки, биргина табиат ҳодисасини кузата туриб бутун ҳикояни гавдалантирган. Боғдаги яшнаб турган ўт-ўланларни ватан тимсоли деб оладиган бўлсак, ундаги ҳашаротлар аҳолидир. У икки инсон (яъни, Атика ва Исом)нинг муҳаббати орқали ватанпарварлик туйғуларини, халқда кечаётган жараён, урушнинг қандай оқибатларга олиб келгани, Фаластиннинг урушдан олдинги ҳолати-ю, ундан сўнг вайронага айланганини очиб берган. Уларнинг бир-бирига бўлган муҳаббати илоҳийлаштирилади, негаки, уларнинг бир-бирига бўлган муҳаббатида халқига, ватанига бўлган садоқат ва ватанпарварлик туйғулари уфуриб туради. Адиб Исомни капалакка, Атикани чумолига қиёслайди. Капалак қурбон бўлиб, табиатга ранг бераётган бир пайтда чумолилар мустаҳкам, сабот билан туришарди. Ҳа, у ҳақиқатан ҳам, йиқилаётган ва яна тезда ўрмалаб чиқишга уринаётган чумолидир. Будда эса ёниб тугаган капалак. Ҳа, ватанининг равнақи, халқининг фаровонлиги йўлида жон берган капалак. Исомни яқинлари “Будда” деб ҳам аташади. Негаки, ундан Будданинг сифатлари – вазминлик, ватанпарварлик, инсонийлик уфуриб турарди. Уни ҳеч ким курашга боришга ундамайди, у ўзининг ватанпарварлиги туфайли бахтли ҳаёти ва севган ёрини қолдириб, кураш томон йўл олади. Ҳикоя сўнгида ўт-ўланлар ёниб кулга айланади. Бу эса урушнинг мағлубият билан тугагани ва ватаннинг вайронага айланганини англатади.

1977 йили Дамашкда нашр этилган “Шиллик қуртнинг ўлими”² ҳикояси асосий қаҳрамоннинг ўлими билан бошланади ва унинг кундалигини ўқиш, унда ёзилган воқеалар орқали ўлимнинг сабаби очиб берилади. Ҳикоянинг боши ва охири йўқ, фақат-

¹ Валид Ихлосий. Қора ўт-ўланлар. Ҳикоялар. – Дамашк, 1980. 7-б.

² Валид Ихлосий. Шиллик қуртнинг ўлими. Узун ҳикоялар. – Дамашк, 1978.



гина воқеалар ривожини шиддатли тус олган. Ушбу ҳикояда инсоннинг яшаши абсурд деб топишида, ёлғизликдан чиқишга нажот тополмасликда, одамлар ўртасида ўзаро тушуниш воситалари йўқолганда экзистенциализм йўналишини кўришимиз мумкин. Одамзотни бу дунёда ғариблиги, яккалиги, узилганлигида ўз ифодасини топди. Ҳикоянинг бош қаҳрамони ўзининг ички олами билан ташқи оламдан узилган. У ўзининг муаммоларига, синовларга бардош бера олмай ўзини ўзи ўлдиради. Унинг дунё билан бўлган кураши ички психологик курашида аск этади. “Шиллиқ қуртнинг ўлими” ҳикоясида инсоннинг бутун ҳаёти бир лаҳзада йўққа чиқиши мумкинлиги, энди бахтга эришдим деб ўйлаганда, тақдирнинг кутилмаган зарбасига дучор бўлиши

ҳақида ёзилган. Унинг мавзусига эътибор қаратадиган бўлсак, шиллиқ қурт беозор, кучсиз мавжудот. У ўзининг уясига яришинган ҳолатда ўзини хавфсиз деб ўйласа-да, қаттиқ шамолнинг ўзи ҳам уни ердан йўқ қилиб юбориши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Валид Ихлосий серқирра ижодкордир. У рамзий образларни шунчалик кенг ишлатадики, ҳар бир ўқувчи унинг асарини ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб талқин қилиши мумкин. Ғарбнинг модернизм оқими вакиллари ижодидан таъсирланган бўлса-да, ўз асарларида миллийликка, диний дунёқарашга, шарқона кадриятларга, адабий меросларга содиқликни сақлаб қолган.



ФОЛЬКЛОР ЮГО-ВОСТОЧНОЙ АЗИИ

АБДУГАНИЕВА НАСИБА

Соискатель, ТашГИВ

Аннотация. В статье дан краткий обзор фольклора народов Индонезии. Раскрыт разнообразный и богатый художественный мир Нусантры.

Опорные слова и выражения: Индонезия, фольклор, миф, сказка, символы, жанр, культурный фон.

Аннотация. Мақолада Индонезия халқларининг фольклори ҳақида қисқача маълумот берилган. Нусатранинг ранг-баранг ва бой бадиий дунёси акс эттирилган.

Таянч сўз ва иборалар: Индонезия, фольклор, афсона, эртақ, белгилар, жанр, маданий фон.

Abstract. The article has a brief overview of the folklore of the people of Indonesia. Revealed diversified and rich artistic world of Nusantra.

Keywords and expressions: Indonesia, folklore, myth, fairy tale, characters, genre, cultural background.

Юго-Восточная Азия – один из древнейших культурных регионов Востока, к которому как нельзя лучше приложимы слова, ставшие государственным девизом Индонезии: «единство в многообразии». Средневековая культура и ее важнейшая часть – словесность народов Бирмы, Таиланда, Лаоса, Вьетнама, Малайзии, Индонезии – это мир многообразный, многокрасочный и в то же время цельный. Он объединен расовой и языковой близостью его создателей, их

изначальным сродством, проявляющимся во всех сферах духовной и материальной жизни, сходством и тесным переплетением их исторических судеб, а потому – множеством традиций, составляющих глубинную основу многоликой цивилизации, позволяющих увидеть в их многоликости нечто общее¹.

¹ Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы. – М., 1979. – С. 353.